



LAWMAKING EXPERT SUPPORT: NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE

КН.КНАҲИТОВА^а

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

ЭКСПЕРТНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЗАКОНОТВОРЧЕСТВА: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Х.ХАЙИТОВА^а

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ЭКСПЕРТЛИК ТАЪМИНОТИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Х.ХАЙИТОВА^а

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мақолада мамлакатимиз ва хорижий мамлакатларда қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг аҳамияти ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил этилган. Шунингдек, қонун лойиҳалари экспертизаларининг ўзига хос хусусиятлари, субъектлари таҳлил этилиб, ушбу экспертизани ўтказиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калик сўзлар: экспертиза, эксперт, қонун ижодкорлиги, қонун, қонун лойиҳаси, қонунчилик техникаси, ҳуқуқий экспертиза, экспертиза ўтказиш механизми.

Аннотация: в статье рассматриваются значение и организационно-правовые вопросы проведения экспертизы законопроектов в нашей стране и зарубежных странах. Вместе с тем проанализированы особенности экспертизы, а также разработаны предложения по совершенствованию организационно-правовых механизмов осуществления экспертизы.

Ключевые слова: экспертиза, эксперт, законодательство, закон, проект закона, законодательная техника, юридическая экспертиза, механизм проведения экспертизы.

Annotation: the article studies the importance of organizational and legal issues of expertise of draft laws in our country and foreign countries. At the same time, the peculiarities of examinations, subjects, as well as proposals for improving the organizational and legal mechanisms for the implementation of expertise have been developed.

Keywords: expertise, expert, lawmaking, law, law draft, legislative techniques, legal expertise, mechanism of carrying out expertise.

Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда миллий қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш жараёни давом этаётган ҳозирги пайтда

ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий жиҳатларидан миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришда фойдаланиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Биргина 2018 йил давомида 37та қонунни ишлаб чиқиш, 142та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52та чора-тадбирни амалга ошириш кўзда тутилгани қонун ва норма ижодкорлигида улкан ишлар амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Бу борада ҳуқуқшунос О.Р.Акилов эътироф этганидек, “Ҳуқуқий демократик давлат шаклланиши даврида жаҳон мамлакатлари қонунчилик фаолиятининг тажрибасини ўзаро ўрганиш, қонунчилик соҳалари, институтлари ва алоҳида меъёрларни қиёсий тадқиқ этиш, уларни ўзаро таққослаш зарурати пайдо бўлди. Бу эса турли мамлакатларнинг қонунчилик фаолиятини ўзаро бойитиш ва мукаммаллаштириш имконини беради” [1].

Қайд этиш жоизки, хорижий тажриба асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятида экспертлик хизматларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2015 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги қонунларга киритилган ўзгартишларга мувофиқ палата кўмиталари ҳузурида эксперт гуруҳларини тузиш тартиби белгиланди [2]. Унга кўра, мазкур эксперт гуруҳлари қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга ва муҳокама қилишга, назорат-таҳлил тадбирларини тайёрлашга ва ўтказишга кўмаклашиш мақсадида кўмиталар ҳузурида тузилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, эксперт гуруҳлари давлат органларининг, илмий ва таълим муассасаларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг тегишли соҳаларда илмий иш тажрибасига, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва (ёки) амалий иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар орасидан тузилиши белгиланди. Ушбу гуруҳлар фаолияти палата Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

Мазкур йўналишда қўйилган муҳим қадамлардан бири 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 29 декабрдаги қўшма қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилганлигидир [3].

Бундан ташқари, қонун ижодкорлигида иштирок этувчи айрим давлат органлари тизимида ҳам ҳуқуқий тадқиқотлар билан шуғулланувчи тузилмаларнинг ташкил этилаётганлиги диққатга сазовор. Мисол сифатида, 2018 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [4] асосида ташкил этилган Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти қайд этиш жоиз.

Ушбу институтга қонунчиликни ва унинг тармоқларини ривожлантириш соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий концепциялар ишлаб чиқиш, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш каби вазифаларнинг юклатиши қонун ижодкорлигини илмий-таҳлилий ахборотлар билан таъминлашда муҳим қадамлардан бири бўлди.

Қонун ижодкорлигини экспертлик таъминлашга хорижий мамлакатларда ҳам алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлаш жоиз. Умуман олганда, ушбу экспертлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар парламент, президент, ҳукумат, айрим ҳолларда вазирликлар ҳузурида ташкил этилган. Шунга мувофиқ, хорижий мамлакатлар қонун ижодкорлигида иштирок этувчи экспертлик субъектларини шартли равишда учта гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга, парламент ва унинг таркибий тузилмалари томонидан экспертиза ўтказилишини киритиш мумкин. Бу каби тузилмаларга парламентнинг кўмита ва комиссиялари, парламент ҳузурида унга ахборот-таҳлилий материаллар етказиб берадиган тадқиқот марказлари (хизматлар), институт, бюро, кутубхона кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин [5].

Иккинчи гуруҳ, қонун ташаббускорлиги субъектлари, давлат бошқарувининг бошқа марказий идоралари ҳамда турли муассасалар томонидан экспертиза ўтказилиши. Бу каби

тузилмаларга Президент, Ҳукумат, Адлия вазирлиги ва бошқа марказий бошқарув органларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Учинчи гуруҳ, қонун ижодкорлигида давлат органлари билан ҳамкорлик қиладиган нодавлат субъектлар.

Қонун ижодкорлигида асосий ва якуний экспертлик баҳолаш парламент томонидан ўтказилса-да, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва маромига етказишда ҳукумат муҳим ўрин тутди. Чунки “Регламентар ҳокимиятни амалга ошириш билан бир қаторда, ҳукумат қонунчилик жараёнига жиддий, баъзан ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш имконини берадиган ваколатларга эга. Жаҳон сиёсий амалиётида деярли барча мамлакатларда (Америка Қўшма Штатларидан ташқари) ҳукуматга қонунчилик ташаббуси берилган. Ғарбий Европа давлат парламентлари статистикасининг тасдиқлашича, парламентда тасдиқланаётган ва қонун кучига эга бўлаётган лойиҳаларнинг аксарияти ҳукумат томонидан тақдим этилади. Умуман олганда, ҳукумат ўзига берилган ваколатлар доирасига кирувчи қонунчилик ташаббуси ҳукукидан ниҳоятда унумли фойдаланади” [6]. Шу сабабли қонун ижодкорлигида энг муҳим ва кўп сонли текширувлар ҳукумат ташаббуси томонидан ўтказилади. Айниқса, ҳукумат таркибида бўлган Адлия вазирлиги қонун лойиҳалари сифатли ва пишиқ тайёрланишда бевосита жавобгар ҳисобланади.

Қуйидаги давлатлар тажрибаси мисолида юқорида қайд этилган экспертизага оид маълумотларни кўриб чиқамиз.

АҚШ ҳукуқий тизимининг ўзига хос жиҳати шундаки, уларда ягона ҳукуқ тизими мавжуд эмас, яъни ҳар бир штатда ўзига хос ҳукуқий тизимлар ва федерал ҳукуқий тизим амал қилади [7]. АҚШ Конституциясининг 4-моддасига кўра, ҳар бир штат бошқа штатлар томонидан чиқарилган норматив-ҳукуқий ҳужжатларга тўлиқ ишонч ва ҳурмат билан қарashi лозимлиги таъкидланади. Шу билан бирга, ушбу нормада ҳукуқ нормаларини яратишга штатларнинг ҳамкорлиги принципи ҳам ўз аксини топган.

АҚШ штатлари ҳукуқий тизимларини умумлаштиришда АҚШ Конгрессининг фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, ҳукуқий тизимни умумлаштиришга ёрдамлашувчи бошқа ташкилотлар ҳам мавжуд. Жумладан, АҚШ ҳукуқи институти, Ҳукуқ тартиботини таъминлаш институти, АҚШ юристлар ассоциацияси кабилар. Аммо амалда штатлар ҳукуқий тизимларини умумлаштириш ҳар доим ҳам самарали бўлмаслиги мумкин. Шу боис АҚШ Конституциясининг 6-моддасида федерал ҳукуқнинг штатлар норматив-ҳукуқий ҳужжатларидан устунлиги принципи мустаҳкамланган [8].

АҚШда қонун лойиҳаларини тайёрлашда кўп сонли илмий тадқиқот билан шуғулланувчи ташкилотлар фаол иштирок этадилар. Улар мамлакатнинг назарий ва амалий тажрибасидан фойдаланиб, уни умумлаштириб, штатларнинг қонунчилик органларига қонунчиликни бирхиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқадиладар. Ушбу тажриба АҚШ ҳукуқининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшмоқда. Бундай ташкилотларнинг ёрқин мисоли сифатида – The National Conference of Commissioners on Uniform State Laws деб номланувчи ташкилотни кўрсатиш мумкин. Ушбу ташкилотнинг хизматлари туфайли мамлакатда Ягона савдо кодекси бир хил шаклда барча штатларда қабул қилинди (Луизиана штатигина айрим қисмларини қабул қилган) [9].

Шунингдек, Ҳукуқий тадқиқотлар институти, Американинг қиёсий ҳукуқ жамияти, Ҳукуқ ва хулқ-атвор тадқиқотлари институти, Америка ҳукуқ институти каби тадқиқот институтлари қонун ижодкорлигини такомиллаштиришда иштирок этишади.

АҚШ парламенти ривожланган экспертлик таъминоти тажрибасига эга эканлигини қайд этиш ўринли. АҚШ Конгрессининг қонунчилик, назорат ва вакиллик функцияларини амалга оширишга кўмаклашувчи Конгресс тадқиқот хизмати қонун лойиҳаларини асослашда муҳим роль ўйнайди. Ушбу хизмат барча Конгресс аъзолари ва кўмиталарини объектив, таҳлилий, тадқиқот маълумотлари билан таъминлайди [10]. Ҳозирги кунда Конгресс тадқиқот хизмати Конгрессдаги кенг кўламли ахборот-таҳлилий ёрдам тизимининг марказий қисмини ташкил этади ҳамда унинг таркибга иккита кўшимча ёрдамчи хизматлар – Бош ҳисоб бошқармаси ва Конгресс бюджет бошқармаси киритилган.

Эътиборлиси, ушбу муассаса экспертлари бирор бир партиёга аъзо бўлиши мумкин эмас ва улар мустақил, ҳолис тадқиқот ўтказиш орқали экспертлик хизматларини кўрсатиши лозимлиги белгиланган.

Парламент қуйи палатаси (Вакиллар палатаси)да қонун лойиҳаларини турли экспертизалардан ўтказиш ва кўшимча тарзда экспертизаларни тайинлашда ихтисослашган кўмиталар (Committee Stage) ва қуйи кўмиталар (подкомитет) муҳим роль ўйнайди. Лойиҳалар

муҳокамасида масъул қўмида қонун лойиҳасига алоқадор барча агентликлар, департаментлар ва комитетларнинг жалб этилишини таъминлайди [11]. Зарурат бўлганда қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизадан ўтказилишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик субъектларига юборишга ҳақли.

Буюк Британияда асосий қонун ҳужжатларининг лойиҳалари қонунчилик ташаббусига эга бўлган айрим давлат департаментларида эмас, балки марказлаштирилган тартибда тайёрланади. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, бу ягона услубнинг сақланишига олиб келади ва шу тариқа икки хил талқин ва қимматга тушувчи суд жараёнларининг юзага келиш хавфини камайтиради. Шунга қарамай қонуности ҳужжатлари, масалан, йўриқномалар асосан айрим департаментларда фаолият олиб борувчи юристлар томонидан тайёрланади. Шунингдек, қонунлар матнида кўпчилик томонидан маъқулланган ва кўпчилик қўллайдиган сўзлардан фойдаланилади. Агар қонуншунос махсус тушунчани ифодаламоқчи бўлса, қонуннинг ўзида унинг аниқ кўзда тутилган маъносини бериши лозим бўлади [12].

Буюк Британияда иختисослаштирилган парламент қўмитаси амалиётдан кенг фойдаланилади. Бундай қўмиталар қонунчиликнинг техник жиҳатлари, Европа Иттифоқи сиёсати ва қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, ижроэтувчи ҳокимият қонуности ҳужжатларини яратиб бўйича ва қолатлар бериш, шунингдек қонунчиликнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси билан таъдиқланган стандартларга мувофиқлигини назорат қилиш учун ташкил этилиши мумкин [13].

Қонун лойиҳаси Жамоалар палатаси (қўйи палатаси)да ва масъул қўмида муҳокама этилаётганда кўпинча мустақил экспертлар ва парламент таркибига кирмайдиган жамоатчилик вакиллари иштирок этади. Жамоалар палатаси муҳокамасида билдирилган камчиликларни тузатиш лойиҳа учун масъул қўмидага юборилади. Лойиҳа қўмида қизғин муҳокама қилинади ва тегишли экспертизалардан ўтказилади. Лойиҳани ўзгартириш бўйича таклифлар Қўмида раиси томонидан танланади ва мазкур ўзгартишлар бўйича қўмида аъзоларига овоз беришга ҳақлидирлар. Муҳокама бўйича киритилган ўзгартиш ва тузатишлар ҳақида даврий нашрларда кундалик ахборотлар бериб борилади. Бу эса қонун ижодкорлигидан кенг жамоатчиликнинг хабардор бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу жараённи таҳлилий ахборот билан таъминлашда Жамоалар палатаси кутубхонаси тадқиқот хизмати муҳим вазифани бажаради. Яъни ушбу хизмат депутатлар ва бошқа ходимларни қонунчилик ва ҳукумат фаолияти устидан назоратни ташкил этишга оид таҳлилий материаллар тақдим этади. Шунингдек, у қонунчилик ва сиёсат соҳасининг муҳим масалалари юзасидан ҳамда кўп бериладиган саволлар ва масалалар бўйича илмий таҳлилий материаллар тайёрлайди [14].

Германия парламентида қонун лойиҳалари устида босқичма-босқич иш олиб борилишини кузатиш мумкин. Федерал ҳукуматнинг қонун лойиҳалари дастлаб манфаатдор федерал вазирлик розилигини олиш ва жорий қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига тўғри келишини аниқлаш учун Федерал Адлия вазирлигига юборилади. Федерал Адлия вазирлиги қонун тили ва юридик техника бўйича эксперт текширувини ўтказиши [15]. Федерал Адлия вазирлиги қонуннинг амалдаги қонунларга мослиги ва унинг тили нуктаи назардан текшириш ҳуқуқига эга.

Бундестагга тақдим этилган қонун лойиҳаси фракциялар ва тегишли қўмиталар муҳокама сизига ҳавола этилади. Агар қонун лойиҳаси бошқа соҳаларга тегишли бўлса, у тегишлилигига қараб ушбу жараёнга бошқа фракциялар жалб этилиши мумкин. Бундестагга кўриб чиқиладиган қонун лойиҳалари юзасидан экспертиза ўтказиш Тадқиқот хизматининг ўн битта йўналишда ташкил этилган Тадқиқот бўлинмалари (ижтимоий ва ҳуқуқ тармоқларига мутаносиб ташкил этилган секция) томонидан амалга оширилади [16].

Германия Бундестаги қошида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи таҳрир штаби мавжуд. Унинг асосий вазифаси қонунчилик ҳужжатларини қонунчилик техникаси қоидаларига мослиги нуктаи назардан экспертизадан ўтказишидир. Шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини Конституцияга мослиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳуқуқий экспертизанинг марказий қисмини ташкил этади.

Шундай қилиб, мутахассис З. Папазоскийнинг қайд этишича, Европа минтақасида жойлашган 37та давлатдан 31тасининг парламентларида махсус тадқиқот ва таҳлилий хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Қолган олти тасида ушбу вазифа парламент таркибидagi бошқа тузилмаларга юклатилган. Масалан, Австрия, Дания ва Хорватияда ушбу вазифа парламент кутубхонасига юклатилган [17]. Дания парламенти – Фолькетинги фаолиятини ўрганадиган бўлсак, унда таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш парламент қотибияти таркибидagi

кутубхона ёки парламент кўмиталари томонидан амалга оширилади. Улар заруратга қараб соҳага тегишли олимлар ва мутахассисларни жалб этиши мумкин [18].

Япония тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қонунчилик бюроси ўз ташаббуси ёки ҳукумат сўровига кўра қонунчиликни шарҳлаш билан боғлиқ илмий экспертизаларни амалга оширади [19].

Таъкидлаш лозимки, қонун ижодкорлигини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиёти Мустақил Давлат Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар қонун ижодкорлиги тажрибасида ҳам кенг қўлланилмоқда. Хусусан, Украина Олий Радаси девонининг Ахборот бошқармаси, Арманистон Миллий Мажлиси девонининг Ахборот бошқармаси, Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Вакиллар палатаси девонининг Ахборот-таҳлил бошқармаси, Молдова Республикаси парламентининг Парламент тадқиқотлар ва жамоатчилик алоқалари Марказининг Ахборот-таҳлилий сектори, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси девонининг Ахборот таъминот бўлими, Қозоғистон Республикаси Мажлиси девонининг Ахборот-таҳлил бўлими, Эстония Республикаси Рийгикогуסי девонининг Иқтисодий ва ижтимоий ахборот бўлими, Литва Республикаси Сейми девонининг Ахборот-таҳлил бўлими [20] кабилар қонун ижодкорлиги сифатини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Россия Федерацияси ҳукумати ҳузурида ташкил этилган Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институтининг ҳуқуқ соҳалари бўйича кенг қамровли назарий ва илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширувчи муассаса ҳисобланади [21]. Бундан ташқари, Ҳуқуқий тадқиқотлар ва қонунчиликни ривожлантириш маркази, Россия Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти, Ахборот ва молиявий-ҳуқуқий технологиялар илмий тадқиқот институти, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Хусусий ҳуқуқ тадқиқот маркази кабилар қонун ижодкорлигини экспертлик таъминлашда фаол иштирок этишади.

Айрим давлатлар тажрибасида илмий экспертизаларни ўтказишнинг мажбурийлигига оид нормалар мавжуд. Хусусан, Қозоғистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунида атроф-муҳитга, шу жумладан радиация, хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун хавф туғдириши мумкин бўлган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий илмий экологик экспертизадан ўтказилиши кераклиги белгиланган [22]. Украина Олий Радаси эса қонун тартибида биринчи ўқишга тайёрланаётган қонун лойиҳалари бўйича илмий экспертизани ўтказиш мажбурий эканлиги ҳақидаги норма белгиланган [23].

Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Вакиллар палатаси регламентига кўра, палатага киритилган лойиҳа дарҳол Вакиллар палатаси девонига Қонунчилик ташаббуси субъекти томонидан палатага лойиҳаларни киритиш тартибига риоя этилганлиги бўйича маълумот тайёрлаш учун юборилади. Агар экспертлар ижобий хулоса берсагина лойиҳа қабул қилинади ва биринчи ўқишга тайёрлашга масъул этиб доимий комиссиялардан бири тайинланади [24].

Беларусь Республикаси қонун ижодкорлигида ахборот технологиялардан фойдаланишнинг ижобий тажрибаси шаклланган. Унга кўра, норма ижодкорлиги фаолиятни амалга оширувчи давлат органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш воситаси сифатида “Беларусь Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган тизими” компьютер дастуридан кенг фойдаланилади [25]. Мазкур дастур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш технологиясини янада такомиллаштириш мақсадида, Беларусь Республикаси давлат органлари норма ишлаб чиқиш амалиётини умумлаштириш асосида яратилган.

Дастур ёрдамида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг электрон шаблонларини автоматлаштирилган режимда танлаш ва уларни яратиш (шаблонларнинг 100дан ортиқ вариантлари дастур папкасида сақлаш)га хизмат қилади. Шунингдек, унинг ёрдамида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг таркибий қисмлари бўйича қонунчилик техникаси қоидаларини кўриш мумкин.

Хорижий мамлакатлар қонун ижодкорлиги тажрибасида Адлия вазирлиги муҳим ўрин эгаллайди. Адлия вазирлиги зиммасига асосан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, мамлакатда ҳуқуқий тизимнинг ягоналигини таъминлаш каби вазифалар юкланади. Жумладан, Эстония Республикаси Адлия вазирлигида бу борада Эстония ҳуқуқий маркази ташкил этилган.

Шундай қилиб, кўпгина хорижий мамлакатларнинг қонун ижодкорлиги амалиётидан маълумки, қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишда қонун лойиҳаларини экспертлик таҳлил

килишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан биргаликда, қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш учун ихтисослаштирилган муассасалар фаолият кўрсатади.

Юқорида қайд этилган хорижий тажрибанинг умумий хусусияти шундаки, қонун лойиҳалари экспертизаси институционал равишда амалга оширилади ва мазкур тузилмалар профессионал фаолият кўрсатади. Шунингдек, улар қонун лойиҳаларини мустақил экспертизадан ўтказиш орқали қонуншуносларга асослантирилган ҳолис ҳулосаларни тақдим этадилар.

Хулоса қилиб айтганда, қонун ижодкорлигида экспертизаларга бўлган эҳтиёж ва қизиқиш ошиб бормоқда. Қонун ижодкорлари томонидан экспертиза хизматларига тез-тез мурожаат қилишмоқда. Бу эса ушбу экспертизани ўтказиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда. Шу сабабдан ушбу экспертиза амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги таклифларни илгари суриш ўринлидир:

биринчидан, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг илмий-назарий, методологик, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим;

иккинчидан, қонун ижодкорлигида экспертиза ўтказиш жараёнини комплекс тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

учинчидан, қонун ижодкорлигининг барча босқичларида турли йўналишдаги малакали илмий экспертиза ўтказиш амалиётини кенгайтириш. Ушбу фаолият самарадорлигини ошириш учун илмий тадқиқот муассасалари, бошқа ташкилотлар билан қонун ижодкорлиги субъектлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар тузиш лозим;

тўртинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда мустақил жамоатчилик, илмий экспертизаси амалиётини кенгайтириш.

бешинчидан, қонун лойиҳаларининг илмий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида қонун ижодкорлиги ташаббуси субъектлари ҳузурида қонун ва норма ижодкорлиги бўйича Илмий-маслаҳат кенгашларини ташкил этиш лозим. Шу каби тузилмаларнинг иш тартиби бирхиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг фаолиятини тартибга солувчи намунавий низом ишлаб чиқилиши лозим;

Ўйлаймизки, мазкур чора-тадбирлар қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг илмий асослари ва сифатини янада оширишда ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, норма ижодкорлиги субъектлари ва илмий тадқиқот фаолияти субъектлари ҳамкорлигини кучайтириш орқали фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси таъминланади.

References:

1. Akilov O.R. Zamonaviy qiyosiy huquqshunoslikning metodologik muammolari. Yurid. fan. dokt. dis. - Toshkent: O'zbekiston Respublikasi IIV, 2002. - B.263.
2. "O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasining reglamenti to'g'risida"gi va "O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining reglamenti to'g'risida"gi qonunlar // O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi - www.lex.uz.
3. parliament.gov.uz.
4. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi. 14.04.2018 y., 06/18/5415/1072-son.
5. Papazoski Z. Development of Parliamentary Research Services in Central Europe and the Western Balkans. – Bratislava, National Democratic Institute for International Affairs. 2013. – P. 65-66.
6. Xoshimxonov A.M. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining huquq ijodkorlik faoliyati: nazariya va amaliyot masalalari: yurid. fan. nomz. ... diss. – Toshkent, 2008. – B. 44.
7. Sovremennyye Soyedinennyye Shtaty Ameriki // Ensiklopedicheskiy spravochnik. - M., 1988. - S.87.
8. Language in the Legal Process / Ed. By Cotterill J. - N.Y.: PalgraveMacmillian Ltd, 2002. 276 p.
9. Ramon L. Velikiye pravoviye sistemi sovremennosti: pravovoy podxod. - M.:VolterKruver, 2010. - S.145.
10. Annual report Congressional Research Service Fiscal Year 2016. - Washington: Library of Congress. 2017. - P.1. Manba: www.loc.gov
11. How a bill becomes a law /V.Consideration by committee//www.opencongress.org.
12. Romanov A.K. Pravovaya sistema Anglii. Ucheb.posobiye. - M.: Delo, 2000. -S.146.

13. Yuridik ensiklopediya. U. Tojixonovumumiytahririosida. - Toshkent: Sharq, 2001. - B.195.
14. <http://www.parliament.uk/mps-lords-and-offices/offices/commons/commonslibrary/>.
15. Spravochnik po normotvorcheskoy texnike/HandbuchderRechtsformlichkeit. - M.: Bek, 2002. -S.296
16. http://www.bundestag.de/en/documents/research_and_documentation.
17. Papazoski Z. Development of Parliamentary Research Services in Central Europe and the Western Balkans. – Bratislava, National Democratic Institute for International Affairs. 2013. – P.63.
18. <http://www.thedanishparliament.dk>.
19. www.clb.go.jp.
20. Xusanova M. Teoreticheskiye aspekti sovershenstvovaniya analiticheskogo obespecheniya zakonotvorcheskogo protsessa // Vestnik Vysshego xozyaystvennogo suda. - 2011. - №1.
21. www.izak.ru.
22. Zakon Respubliki Kazaxstan “O normativnix pravovix aktax”№ 480-V ZRK, 6 aprelya 2016 goda// www.zakon.kz
23. Zakon Ukraini “O Reglamente Verxovnoy Rady Ukraini” 10 fevralya 2010 goda // www.iportal.rada.gov.ua.
24. <http://house.gov.by/ru/razdel-iv-zakonodatelnyj-protsess-ru>.
25. <http://center.gov.by/normotvorcheskaya-deyatel-nost>.